



НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Рахимжонов Азизжон Вохиджон ўғли

ЎзМУ “Макроиктисодиёт кафедраси”

Таянч докторанти (PhD)

+99893 547 06 66

azizjonrahimjonov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7496166>

ARTICLE INFO

Received: 21st December 2022

Accepted: 28th December 2022

Online: 30th December 2022

KEY WORDS

Нодавлат пенсия фондлари,
корпоратив фонд,
индивидуал фонд, акция,
облигация, инвестиция.

ABSTRACT

Мақолада нодавлат пенсия фондларининг ривожланиш хусусиятлари ва аҳамияти ўрганилган. Шу билан бирга тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистонда нодавлат пенсия фондларини ташкил этиш зарурияти ва ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жаҳон Мамлакатларида юз бераётган иқтисодий ва демографик ўзгаришларга боғлиқ равишда пенсия таъминоти соҳасида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби ўзгариб, такомиллаштирилмоқда. Ўз навбатида, пенсия таъминоти тизимини ташкил қилиш шакллари ва молиялаштириш усуллари бугунги кунга қадар илмий мунозара майдонида бўлиб келмоқда, муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу соҳада изланиш олиб бораётган мутахассис ва тадқиқотчилар пенсия тизимларини, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини, давлат ва нодавлат пенсия тизимлари компонентларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб гуруҳлашга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, пенсия тизимлари эволюцияси, давлат моделларининг аралаш моделларига

қараб, аралаш моделлардан эса хусусий моделларга қараб ривожланган¹.

Пенсия таъминот тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир. Шу ўринда Пенсия таъминоти тизими ижтимоий ҳимоянинг бир бўғини сифатида юзага келди. Дастлаб пенсия таъминоти давлат томонидан тўлиқ кафолатланган бўлсада, кейинчалик иқтисодиётнинг трансформациялашуви натижасида ушбу соҳа авлодлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини бажарди.

Т.Емельянова пенсия таъминотининг шаклланишини қуйидаги турларга ажратади²:

¹ Мажидов Н.М. “Пенсия жамғармаси фаолиятини тартибга солишда давлатнинг рўли” мақола. Иқтисод ва молия журнали. 2017.



Биринчидан: меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламини яшаш минимуми ва моддий жиҳатдан таъминлаш, камбағаллик оқибатларини баратараф этиш, меҳнат қилиш имкониятидан қатъи назар ижтимоий тенгликни сақлаб туриш.

Иккинчидан: аҳолининг даромадларига мувофиқ пенсия таъминотини амалга оширилишида пенсионернинг шахсий меҳнат улушини ҳисобга олиш.

Учинчидан: шахсий ташаббусга асосланган пенсия таъминоти.

А.Ижаева пенсия таъминоти тизимини гуруҳлаштиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим, деб таъкидлайди²:

- пенсия тўловлари ва бадалларини ҳисоблаш методи асосида;
- пенсия фондининг функционал (тақсимлаш ва жамғармавий) жиҳати асосида;
- сон ва шакл жиҳатидан, биринчидан – ижтимоий пенсия, иккинчидан, тақсимлаш тизими, учинчидан, жамғармавий тизими, тўртинчидан, ихтиёрий жамғарма тизими.

Пенсия таъминоти тизимининг бундай гуруҳларга ажратишнинг сабабларидан бири – бу ижтимоий ҳимояни ташкил этиш ва унинг функциялари бажарилиши юзасидан вужудга келган. Бошқача айтганда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Бевериж ва Бисмарк

2 Емельянова Т.В. Финансовое обеспечение пенсионных систем в странах ЕС и России//Финансы. – Москва, 2008. - №10. – С. 64

ЗИжаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерация в посткризисный период: автореф. ... к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ..2013. – 31 с.

моделларининг хусусиятларидан келиб чиқади.

Айни пайтда “даромадларни вақтлараро тақсимлаш”ни янада такомиллаштириш муҳим вазифага айланди. Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия тизими билан бирга нодавлат пенсия тизимлари ҳам ривожланиб бормоқда.


Нодавлат пенсия ондлари – бу нотижорат молиявий ижтимоий таъминот ташкилоти бўлиб, пенсия миқдори жамғарилган уммага мутаносиб ёки фуқаро пенсия ёшига етганида белгилаб қўйилган миқдордаги пенсияни тўлаш тамойили бўйича ишлайдиган омонат-жамғарма схемаси бўйича фаолият олиб боради. Нодавлат пенсия фондларининг фаолияти Пенсия жамғармаси фаолиятига жуда ўхшаш ҳисобланади. Пенсия жамғармаси сингари нодавлат пенсия фондлари ҳам пенсия жамғармаларини тўплайди, уларни инвестиция қилинишини, ҳисобга олинишини, меҳнат пенсиясининг жамғариб борилган қисмини тайинлаш ва тўлашни ташкиллаштиради.

Нодавлат пенсия фондларининг фаолияти деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли пул бадалларини ихтиёрий жалб қилиш йўли билан активларни шакллантириш, бу маблағларни нодавлат пенсия фондларининг активларини бошқариш бўйича компанияларга бериш, фуқароларга умр бўйи ёки узоқ муддат мобайнида мунтазам равишда пул шаклидаги тўловларни амалга ошириш, жумладан фуқаролар олдидаги мажбуриятларини бажариш бўйича бошқа ҳатти-ҳаракатлар сингари нотижорат фаолият тушунилади.



1- Расм.

Дунё мамлакатларида пенсия таъминотининг турлари



Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия тизими билан бирга нодавлат пенсия тизимлари ҳам ривожланиб бормоқда. У корпоратив ёки индивидуал жамғарма асосида қурилиши мумкин. Бугунги кунда Европа давлати аҳолисининг учдан бир қисми аҳолини корпоратив пенсия суғуртаси принципида қурилган турли хилдаги тизимларга жалб этилган. Корпоратив тизимлар давлат ва индивидуал схемаларидан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, фирманинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидаги мавжуд шартларга таянади. Корпоратив схемалар давлатнинг минимал аралашуви остида ва нисбатан кам маъмурий харажатларга эга бўлади. Индивидуал пенсия тизими эса корпоратив пенсия тизимидан фарқ қилиб, унда иштирокчилар индивидуал асосда ва ўз хохишига биноан иштирок этади ва бу жамғармани ҳар хил ташкилотлар орқали бошқарилиши мумкин. Нодавлат пенсия таъминоти истеъфога чиққан даврдан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромадидан хисса қўшиш орқали

қатнашади. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта корхоналари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Айрим мамлакатларда хусусий пенсиялар иш берувчилар томонидан бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб аталади. Хусусий пенсия тизимида бадаллар шаклланиши давлат пенсия тизимига ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш хисобига барпо этилади. Маълумки, нотижорат ташкилотлари ўз фойдаларини, таъсисчилари ўртасида тақсимламайди. Нодавлат пенсия фондлари таъсисчилари узоқ муддатли инвестицион ресурс сифатида жамғармалар томонидан жалб этиладиган пенсия воситалари ҳажмини оширишдан манфаатдордир. Нодавлат пенсия фондлари молиявий бозорнинг профессионал иштирокчилари бўлган бошқарувчи компаниялар орқали активларининг барчасини ёки катта қисмини рискли воситаларга жойлаштирадilar. Улар одатда, инвестицияларнинг юқори фойдалилигини таъминлайдилар. Ҳарбир бошқарувчи компания уларга жамғармалар томонидан ишончли бошқариш учун берилган маблағларнинг сақланиши учун



жавобгарликни ўз зиммаларига олади ва ўзининг бутун мол-мулки билан улар учун жавоб беради. Бошқарувчи компаниялар томонидан ўтказилган операциялар тўғрисидаги ахборотлар ихтисослаштирилган депозитарийларга берилади, улар эса ўз навбатида жамғармаларга тегишли қимматбаҳо қоғозларнинг ҳисобини амалга оширади ва бошқарувчи компаниялар ва жамғармалар томонидан пенсия захираларини жойлаштириш бўйича ўрнатилган қоидаларга риоя этилаётганлигини назорат қилади. Нодавлат бошқарув компанияларининг инвестиция қилиш бўйича имкониятлари давлат бошқарув компаниялариникига нисбатан анчагина кенгдир – улар бир неча класс активларига инвестиция қилишлари мумкин, уларнинг таркибида акциялар, корпоратив облигациялар, минтақавий ҳукуматларни қимматбаҳо қоғозлари, кредит ташкилотларидаги депозитлар кўринишида бўлиши мумкин. Қонун чиқарувчининг бундай қарорга келишини тушуниш мумкин, чунки гап ўз маблағини профессионал бошқарувчига ишониб топширган фуқаронинг онгли танлови билан боғлиқ.

Нодавлат пенсия фондларининг моҳияти шундан иборатки, бошқа турдаги пенсия тизимларида жамғарилган маблағлар пенсия олувчиларга ҳеч қандай қўшимча фоиз устамасисиз қайтариб берилади. Нодавлатда эса жамғарилган маблағлар пенсия олувчилар учун маълум миқдорда фоиз ставкаси асосида эгаларига қайтарилади. Жамғарилган маблағларнинг қай даражада ошиб

бориши ва унинг кўпайиб бориши, эса пенсия фонди ва миқдорлар томонидан танланган инвестиция таклифлари сабабчи бўлади.

Нодавлат пенсия фондлари пенсия жамғармалари ва резервларини самарали инвестиция қилиб, фуқароларга улар пенсия ёшига етганларида ўз шахсий пенсиялари миқдорини сезиларли кўпайтириш имконини беради. Нодавлат пенсия фондлари корпоратив ёки индивидуал жамғарма асосида шакллантирилиши мумкин. XXI аср бошларида Европа мамлакатлари аҳолисининг учдан бир қисми аҳолини корпоратив пенсия суғуртаси принципида қурилган турли хилдаги тизимларга жалб этилган.

Корпоратив тизимлар давлат ва индивидуал схемаларидан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, фирманинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидаги мавжуд шартларга таянади. Корпоратив схемалар давлатнинг минимал аралашуви остида ва нисбатан кам маъмурий харажатларга эга бўлади.

Индивидуал пенсия тизими эса корпоратив пенсия тизимидан фарқ қилиб, унда иштирокчилар индивидуал асосда ва ўз хохишига биноан иштирок этади ва бу жамғармани турли ташкилотлар орқали бошқарилиши мумкин.

Нодавлат пенсия таъминоти - истеъфога чиққан даврдан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромадидан хисса қўшиш орқали қатнашади. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта корхоналари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Айрим



мамлакатларда нодалат пенсиялар иш берувчилар томонидан ҳам бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб аталади. Нодавлат пенсия тизимида бадаллар шаклланиши давлат пенсия тизимига ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш ҳисобига барпо этилади.

Нодавлат пенсия фондлари дастлаб Буюк Британия, АҚШ ва Чили мамлакатларига пайдо бўлган ва ривожланган.

Буюк Британия XX асрнинг биринчи ярмида нодавлат пенсия тизимини биринчи бўлиб расмий жорий қилган дунёдаги биринчи мамлакат ҳисобланади. Буюк Британия пенсия тизими дунёдаги энг қадимийларидан бўлиб, оммавий ва универсал пенсия таъминоти 1908 йилда жорий қилинган. Мазкур тизим ташкил этиш, тартибга солиш ва имкониятлар танлови бўйича бирмунча мураккаб ҳисобланади. Буюк Британиялик пенсионерлар ойлик маоши ва иш стажидан келиб чиқиб, давлатдан базавий пенсия ва хусусий пенсия тизимидан меҳнат пенсиясини ҳам олиши мумкин. Давлатнинг базавий пенсиясини 65 ёшдан ошган эркеклар ва 60 ёшдан ошган аёллар олиши мумкин ва унинг миқдори чекланган инфляциядан келиб чиқиб, давлат томонидан индексация қилинади. Меҳнат пенсияси ишчи-ҳодимнинг бадаллари ҳисобига шакллантирилади, бироқ бунда шакллантириш бадаллари оғирлиги иш берувчи билан тенг иккига бўлинади. Меҳнат пенсияси тўғридан-тўғри тўловлар миқдорига боғлиқ бўлиб, даромаднинг 20 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Буюк Британия хусусий пенсияларни жамғаришнинг турли-туман усуллари-

корхонада корпоратив дастурлардан тортиб, нодавлат пенсия фондларига ихтиёрий тарзда пенсия жамғаришнинг ривожланган тизимигача мавжуд.

АҚШдаги пенсия тизимининг ривожланиши эволюцион йўл билан, тармоқлар, штатлар, умумдавлат (федерал) даражада нодавлат секторга жамғариш тизимини тажриба сифатида қўллаш орқали ривожлана борган. 1857 йилда илк маротаба Нью Йорк полиция ишчилари учун ҳаётларини ва ногиронликни суғурталаш учун муниципал пенсия фонди ташкил этилган. 1857 йилда “American Express” компанияси томонидан илк маротаба нодавлат пенсия режаси тузилади. Унга кўра компанияда 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, 60 ёшли ишчиларга иш фаолиятини тўхтатганлик юзасидан тўловлар тўланилиши маълум қилинади. Биринчи ўқитувчилар учун пенсия схемаси Нью Йорк шаҳри (1894 йил)да ва Нью Джерси штати (1896 йил)да жорий этилган. 1898 йилда Огайо штатида АҚШ тарихидаги илк кўрларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинади. 1911 йилда Массачусетсда, 1914 йилда Аризонада штатлар доирасида суғурта тўловларига асосланган, барча давлат идоралари ишчиларини қамраб олган биринчи пенсия тизими жорий қилинди. 1920 йилда федерал ишчилари учун граждан ишчилари ва ногиронларни пенсия билан таъминловчи Фонд ташкил этилди.

Америка Қўшма штатларида 1930 йилдан бошлаб қарияларни ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган пенсия тизими жадал суръатларда ривожланишни бошлади. Бу тизимда



давлат ва нодавлат компонентлари мавжуд бўлган. Давлат пенсия дастури ўша пайтдаги иқтисодий фаол аҳоли билан қарияларни ўз ичига олиб, қариялар, ногиронлар, аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қатламлари, ҳарбий хизматда бўлганлар ва уруш қатнашчиларини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Пенсия тизимининг нодавлат пенсия дастури қисми саноат фирмалари, нотижорат ташкилотлар ва бирлашмалар томонидан бошқарилиб фақат ўзларининг ишчи ва хизматчиларини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Бу эса нодавлат сектори нодавлат пенсия тизимини яратишдаги тадқиқотларга кенг йўл очиб берди. Ушбу тадқиқодлар нодавлат секторнинг молиявий операциялари ва фонд жамғарилиши учун хомаки режа қилинишига олиб келди ва ўз навбатида молиявий институт сифатида нодавлат пенсия фондларининг аҳамиятини келажакдаги ғояси билан таъминлади. АҚШда “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши пенсия тизими учун энг илғор, инқилоб аҳамиятидаги янгилик бўлди. Унинг ёрдамида АҚШ ҳукумати кейинги ўн йилликдаёқ кам таъминланган қарияларнинг улкан армияси пайдо бўлиши хавфидан ҳоли бўлишга умид боғлади. Энг аввал қонун бўлажак пенсионерларни улар ишлаётган компанияларнинг касод бўлиши хавфидан ҳоли қилиш мақсадига хизмат қилди. Масалан, ўз ишчи-ходимларига белгиланган пенсия таъминотини ваъда қилаётган иш берувчилар, ваъда қилинган пенсияъни 100%игача захира қилиб қўйишлари керак. Пенсияни тўлаш ваъдаси ходимга

бугун берилиб, унинг тўланиши кўп йиллар ўтганидан сўнг амалга оширилар экан, Америка компаниялари зарурий воситаларни алоҳида ҳисобрақамларида дарҳол тўплашни бошлайдилар. Лекин ушбу пуллар ишбилармонлик фаолиятида мавжуд бўлади ва айна соҳа билан боғлиқ барча хавф-хатарлардан ҳоли эмас. Шу сабабдан фирманинг касодга учраши туфайли бўлажак пенсионерлар пул-маблағ воситаларисиз қоладилар. Пенсия захираларининг 80%идан камроқ миқдорини амалга оширишни таъминлаган компаниялар, ўз ходимлари учун шундан кейинги янада юқори даромадли ва лекин янада юқори рискли пенсия инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Энди иш берувчиларга корхона ходимларини ўз компанияларининг акцияларига пенсия жамғармаларини сармоялашга мажбур этиш таъқиқланди.

Нодавлат пенсия тизимининг расмий ва мукаммаллашган кўриниши 1981 йилда Чилида пайдо бўлган ва кейинчалик ривожланган мамлакатларда жумладан, Буюк Британия ва АҚШ да ривожланди, ҳамда муваффақиятларга эришди. Кейинчалик ушбу тизим дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ишлашни бошлади. Ушбу тизим ҳар бир мамлакатда ўзининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи, урф-одатлари, умр кўриш давомийлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашди.

Ҳозирги кунда нодавлат пенсия тизимининг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқодлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқодлардан кўзланган мақсад тизимнинг келажакдаги истиқболини



таъминлашдан иборат. Олиб борилган монографик кузатувлар кўрсатишича, нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, ушбу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорирок даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эгадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пуллари узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш ва жойлаштириш билан шуғулланадилар. Пенсия таъминотида нодавлат пенсия тизимининг роли XXI асрга келиб сезиларли даражада ўсди. Шуни кўришимиз мумкинки нодавлат пенсия тизими Лотин Америка, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида кенг тарқала бошлади. Шу билан бирга Нодавлат пенсия фондларини ривожлантиришнинг хориж тажрибасини кенг ўрганган ҳолда, Ўзбекистондаги пенсия тизимини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Нодавлат пенсия тизимини Ўзбекистон Республикасига тадбиқ этишда илғор ривожланган мамлакатлар хусусий пенсия тизими тажрибаларидан фойдаланиш лозим;
2. Нодавлат пенсия тизимини амалиётга жорий қилишда, аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш керак, хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини назорат қилувчи махсус давлат ташкилотини белгилаш ва унинг функцияларини аниқлаш керак, пенсия жамғармаларидан самарали фойдаланиш учун хусусий пенсия фондларига хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ташкил этиш керак.
3. Нодавлат пенсия тизимини ташкил этишдан олдин бу тизим ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш лозим, яъни пенсия жамғармалари маблағларини кўпайтириш мақсадида хусусий пенсия фондлари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларни риск даражаси паст бўлган қимматли-қоғозларга йўналтириш ва инвестицион портфелда улар улушини аниқ белгилаб қўйиш керак; хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш учун мамлакатимизда фонд биржалари фаолиятини, суғурта тизимини ва инвестиция тармоқларини, бундан ташқари банк соҳасини ҳам ривожлантириш лозим.
4. Иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этилишини рағбатлантириш. Нодавлат пенсия фондларида суғурталанган фуқаролар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш. Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини, хусусан, катта ёшдаги аҳоли



фаровонлигини ошириш ва ҳаёт тарзини янада яхшилаш мақсадида нодавлат пенсия фондлари фаолиятини банк муассасалари орқали мамлакатимизга тадбиқ қилиш мумкин. Бошқа тизимлар орқали ҳам бу тизимни ташкил этиш мумкин, масалан суғурта корхоналари ёки махсус фонд ташкил қилиб нодавлат пенсия тизимини тадбиқ қиладиган бўлсак бунда айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, махсус фонд орқали ташкил

қилиш кредит ресурсларини излаб топиш муаммосини юзага келтириши мумкин. Суғурта корхоналар ташкил этиш орқали ҳам мамлакатимизда нодавлат пенсия тизимини жорий қилиш яхши самара берган бўларди, лекин мамлакатимиздаги суғурта корхоналари банк тизимчалик ривожланмаганлиги сабабли банк тизими орқали ташкил этиш энг мақбул вариант ҳисобланади.

References:

1. Ваҳобов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари / “Ўзбекистон республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Т.: Iqtisod-moliya.2017.
2. Ваҳобов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари / “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Т.: Университет 2017.
3. Ваҳабов А.В, Мажидов Н.М., “Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли” Монография. Тошкент “Университет” 2017.
4. Емельянова Т.В. Финансовое обеспечение пенсионных систем в странах ЕС и России//Финансы. – Москва, 2008.
5. Pension-Markets-in-Focus-2017.
6. Ражабов Ш. У. “Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018.
7. Ражабов Ш.У. “Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2021.
8. “Moody’s” баҳолаш агентлиги ҳисоботидан.